**Маҳсулот етказиб бериш тўғрисида**

**ШАРТНОМА № 11**

"28" июл 2022 йил — **Шўрчи тумани**

Шўрчи туман Халқ таълим бўлими номидан Устав асосида иш юритувчи З.Хуррамов (кейинги ўринларда "БУЮРТМАЧИ" деб юритилади) бир томондан ва "Хумо спорт" МЧЖ номидан корхона Устави асосида иш юритувчи корхона раҳбари Н.Курбонов (кейинги ўринларда "ТАЪМИНОТЧИ" деб юритилади) иккинчи томондан бўлиб, қуйидаги шартномани туздилар

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "ТАЪМИНОТЧИ" ушбу шартноманинг 2.1. бандида қайд этилган миқдорда, баҳоларда ва муддатларда "БУЮРТМАЧИ"га етказиб бериш, "БУЮРТМАЧИ" эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиш ва хақини тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 2. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ

2.1.Шартномада кўрсатилган махсулотларни етказиб бериш шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

| Т/р | Махсулотлар | Ўлчов бирлиги | Микдори | Бирлик нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Валейбол топи | дона | 72 | 145000 | 10440000 |
| 2 | Футбол топи | дона | 72 | 145000 | 10440000 |
| 3 | Волейбол сетка | дона | 72 | 485000 | 34920000 |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| 6 | | | | | |
| | **ЖАМИ** | | | | 55800000 |

2.2. "ТАЪМИНОТЧИ" томонидан "БУЮРТМАЧИ"га маҳсулотларни тўлик етказиб берилган кун, "ТАЪМИНОТЧИ" томонидан махсулот етказиб бериш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлари бажарилган сана деб хисобланади.

2.3.Буюртма қилинган махсулотларни "ТАЪМИНОТЧИ" ўзининг транспортларида "БУЮРТМАЧИ" га етказиб беришни ўз зиммасига олади.

## 3.МАХСУЛОТ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий қиймати 55800000 (Эллик беш миллион саккиз юз минг) сум сўм.

3.2. Кўрсатилган хизмат хақини хисоблаш учун тарафлар ўртасида келишувга мувофиқ белгиланади.

3.3. "БУЮРТМАЧИ" ва "ТАЪМИНОТЧИ" га шартнома тузилган пайтдан бошлаб 10 кун муддат ичида махсулот хақини олдиндан 30% аванс тўлаб беради. Шартнома қийматининг қолган қисми махсулот "БУЮРТМАЧИ"га етказиб берилгандан сўнг тўлаб берилади.

3.4.Хисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа тартиб усулларда амалга оширилади.

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**4.1. «ТАЪМИНОТЧИ»нинг мажбуриятлари:**

4.1.1. Маҳсулотни сифатли ва шартномада белгиланган муддатларда бажариш;

4.2.2. Маҳсулотни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда "БУЮРТМАЧИ"га ўз вақтида топшириш;4.1.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товарлар юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида сифати лозим даражада бўлмаган

маҳсулотни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни пулини қайтариб бериш.

4.1.3. Маҳсулотлар сифати "БУЮРТМАЧИ" га мос келмаганда, бу ҳақида хабар берилгач, 3 (уч) банк кун ичида маҳсулотни сифатлисига алмаштириб бериш.

**4.2. "ТАЪМИНОТЧИ" қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

4.2.1 Ушбу шартномага асосан тўлиқ етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини "БУЮРТМАЧИ" дан талаб қилиш.

4.2.2. "БУЮРТМАЧИ"нинг розилигини олган ҳолда маҳсулотни муддатидан олдин етказиб бериш.

**4.3. "БУЮРТМАЧИ" нинг мажбуриятлари:**

4.3.1. Топшириш-қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда маҳсулотни миқдори, сифати ва бутунлиги бўйича қабул қилиб олиш;

4.3.2. Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулот келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу маҳсулотнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида бу ҳақда "ТАЪМИНОТЧИ"ни хабардор қилиш;

4.3.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўлаш.

**4.4. "БУЮРТМАЧИ" қуйидаги ҳуқуқларга эга**

4.4.1. "ТАЪМИНОТЧИ" дан махсулотларни сифати ва шартномада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш.

4.4.2. Етказиб берилган маҳсулотлар аниқланган камчилик ва нуқсонларни унинг талабига кўра сифатлисига алмаштириб беришни талаб қилиш.

## 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ ВА МИҚДОРИ БЎЙИЧА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Махсулот "БУЮРТМАЧИ"га "ТАЪМИНОТЧИ"нинг транспортида етказиб берилади.

5.2. "ТАЪМИНОТЧИ" томонидан етказиб бериладиган махсулотларни сифати амалдаги давлат стандарти (ГОСТ,ТУ) талабига жавоб бериши лозим ва бу хақида "БУЮРТМАЧИ"га махсулот сертификатидан нусха берилади.

5.3. Махсулотлар миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш махсулотни қабул қилиб олиш жойида (БУЮРТМАЧИ ҳудудида) амалга оширилади. (Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган холлар бундан мустасно).

## 6.ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Махсулотларни етказиб бериш ва тўловларни амалга ошириш муддатлари кечиктирилган тақдирда айбдор тараф иккинчи тарафга мажбурият бажарилиши кечиктирилган хар бир кунга 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори асосий қарзни 10 фоиздан ортиб кетмаслиги лозим.

6.2. Бошқа холларда тарафлар шартномавий мажбуриятларни бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномвий-хуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонунда ва бошқа қонунчилик хужжатларида кўзда тутилган тартибда мулкий жавобгар бўладилар.

## 7.ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Шартнома тарафлар имзолаганиб Ғазначилик органларидан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амалда бўлади.

7.2.Шартнома тарафларни келишуви билан ёхуд Фукаролик кодексининг 282-383-моддаларида кўзда тутилган шартлар асосида бекор қилиниши, шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномага киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда қўшимча битим сифатида расмийлаштирилади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми хисобланиб, тарафлар учун бажариш мажбурийдир.

## 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

8.1.Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши куршиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора яʼни ходими ўз ҳизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатлатга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва кушимчалар конуний кучига эга булади. Узгариш ва кушимчалар шартномага илова килиниши хам мумкин . Килинган илова икки томоннинг мухири ва имзоси билан тасдикланган булиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор килишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

8.4.Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

## 9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

## 10.НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1.Тарафлар ўртасида вужудга келган ва келишув асосида хал қилиб бўлмаган барча низолар Тошкент туманлараро иқтисодий суди орқали хал этилади.

## 11.ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| | |
|---|---|
| **“БУЮРТМАЧИ”**<br>**Шўрчи туман Халқ таълим бўлими**<br>**Манзил:Шўрчи туман Мустақиллик кўча 86-уй**<br>**Ш.х/р: 100022860222267092100075066**<br>**СТИР: 207120853**<br>**Банк: Тошкент шахар, Марказий банк ХККМ**<br>**МФО: 00014**<br>**Молия вазирлиги Ғазначилиги 23402000300100001010**<br><br>**Раҳбар** ____________ **З.Хуррамов**<br>**М.У.** | **“ТАЪМИНОТЧИ”**<br>**“Xumo sport” МЧЖ**<br><br>**Манзил: Термиз шахар. Беруний 2а/11**<br>**Х/Р: 20208000505111627001**<br>**СТИР: 306576007**<br>**Банк: TRASTBANK Термиз филиали**<br>**МФО: 01063**<br>**ОКЕД: 46730**<br><br>**Директор** ____________<br><br>**М.У.** |

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**28.07.2022 даги**

**Хумо спорт МЧЖ ва Шурчи туман ХТБ ўртасида 55800000,00 сўм умумий суммага тузилган 11 - сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб 075

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860222267092100075066

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4354960 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | 55 800 000,00 | | | 55 800 000,00 |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **55 800 000,00** | | | **55 800 000,00** |

Жами 55800000,00 сўм Олтмиш бир миллион сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 16740000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______________ Хуррамов Зикирали Исматуллаевич
(имзо) Ф И Ш

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Имомов Эркинжон Зиёдуллаевич
(имзо) Ф И Ш

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ________________ 20___й.

ʀU.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: NH80120735б2

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi. Shartnoma

2.Loyihaning nomi. Sho'rchi tuman Xalq ta`limi bo`limining mahsulot yetkazib berish to'g'risida.

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Sho'rchi tuman Xalq ta`limi bo`limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 29.07.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsul`ti: T.Akibov

**29.07.2022 yil**

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 123390 на приобретение Шўрчи туман Халқ таълими бўлимига қарашли мактабларга спорт жихозлари сотил олиш**

Способ проведения электронный

Дата 25.07.2022

Время рассмотрения 22.07.2022 18:57

Конкурсная комиссия Шурчи туман ХТМФМТ ва ТЭБ (Аппарат), (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XURRAMOV ZIKIRALI ISMATULLAYEVICH | Шўрчи туман ХТБ Мудири | Шўрчи туман ХТБ |
| **Секретарь комиссии** | XUDOYQULOV MAMAYUSUF G'ANIYEVICH | Ижро интизоми | Шўрчи туман ХТБ |
| **Член комиссии** | IMOMOV ERKINJON ZIYODULLAYEVICH | Бош хисобчи | Шўрчи туман ХТБ |
| **Член комиссии** | KASIMOV SHUXRAT ALIMOVICH | Давлат харидлари ва шартномалар бўйича гурух рахбари | Шўрчи туман ХТБ |
| **Член комиссии** | ULASHOV OLIMJON RAMAZONOVICH | Бош мухандис | Шўрчи тумани халқ таълим бўлими |
| **Член комиссии** | NOMOZOV RUSTAM YUSUPOVICH | Иқтисодчи | Шўрчи туман ХТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.07.2022 года № лота 123390.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Мяч волейбольный** |
| Подробное описание | Волебол тўп 5 ўлчамли Волебол тўпининг оғирлиги 340 г, айланма диаметирининг узунлиги 63.5-68.5 см. Товар сифатли бўлиши шарт. |
| Количество товара | 72.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 150 000.00 |
| Стартовая сумма | 10 800 000.00 |
| Валюта | UZS |

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Сетка с тросом волейбольная** |
| Подробное описание | Волебол сеткаси ени 1м, узунлиги 9.5-10 м, Товар сифатли бўлиши шарт. |
| Количество товара | 72.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за | 500 000.00 |

| | |
|---|---|
| единицу | |
| Стартовая сумма | 36 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Мяч футбольный** |
|---|---|
| Подробное описание | Футбол тўп 5 ўлчамли Футбол тўпининг оғирлиги 410-450 г, айланма диаметирининг узунлиги 68-70 см, Товар сифатли бўлиши шарт. |
| Количество товара | 72.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 150 000.00 |
| Стартовая сумма | 10 800 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи томонидан етказиб бериладиган товар ва хизматларнинг камида 6 (олти) ойлик сифат кафолати.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО XUMO SPORT** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **XIDIRBOBO TERMIZ MCHJ** | 20 | 20 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Эткaзиб бериладиган махсулот тугрисида тўлиқ маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО XUMO SPORT** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **XIDIRBOBO TERMIZ MCHJ** | 20 | 20 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Товар моддий бойликларини етказиб беришга лаёкатлилиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ушбу танлов суммасининг камида 50 % кисми микдорида айланма маблагларининг банк хисоб ракамида мавжудлиги.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО XUMO SPORT** | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |
| **XIDIRBOBO TERMIZ MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Шартнома имзолаш ва мавжуд карздорлиги йуклигини тасдикловчи хужжатлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Низом, ғувохнома таъсис шартномаси, банк ва солик карздорлиги йуклиги тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО XUMO SPORT** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **XIDIRBOBO TERMIZ MCHJ** | 20 | 20 | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО XUMO SPORT** | 57 600 000.00 | 55 800 000.00 UZS | 55 800 000.00 | 00.00 | 55 800 000.00 | 20.07.2022 15:39:57 | 30.00 |
| **XIDIRBOBO TERMIZ MCHJ** | 57 600 000.00 | 57 591 360.00 UZS | 57 591 360.00 | 00.00 | 57 591 360.00 | 21.07.2022 09:21:55 | 29.07 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО XUMO SPORT** | 65.625 | 30 | 95.625 |
| **XIDIRBOBO TERMIZ MCHJ** | 43.75 | 29.07 | 72.82 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 123390 от 25.07.2022 года на приобретение Шўрчи туман Халқ таълими бўлимига қарашли мактабларга спорт жихозлари сотил олиш определила победителем:

ООО XUMO SPORT
306576007

и резервный исполнитель: XIDIRBOBO TERMIZ MCHJ (309173292)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XURRAMOV ZIKIRALI ISMATULLAYEVICH | Согласен | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Член комиссии | ULASHOV OLIMJON RAMAZONOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | IMOMOV ERKINJON ZIYODULLAYEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | KASIMOV SHUXRAT ALIMOVICH | Не согласен | |
| Член комиссии | NOMOZOV RUSTAM YUSUPOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП